



# *ПРЕСС-РЕЛИЗ*

**Халқаро давра суҳбати:**

**X Халқаро социологик конференция доирасида «“COVID – 19”**

**коронавирус пандемияси даврида олий таълим муассасаларида масофавий**

**таълим: хатарлар ва истиқболлар»**

Тошкент-2020

2020 йил 13 ноябрь куни “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази ва Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (ВЦИОМ, Россия) томонидан Санкт-Петербург Олий иқтисодиёт мактаби Миллий тадқиқот университети билан биргаликда X Халқаро Грушин социологик конференцияси доирасида «“COVID – 19” коронавирус пандемияси даврида олий таълим муассасаларида масофавий таълим: хатарлар ва истиқболлар» мавзусидаги халқаро давра суҳбати ўтказилди

“Ижтимоий фикр” Маркази директори и.ф.д. Н.Х.Рахимова ва Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (ВЦИОМ, Россия) бош директорининг маслаҳатчиси с.ф.н. Е.А.Михайлова давра суҳбатини очаётиб, “Ижтимоий фикр” Маркази билан Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (ВЦИОМ) ўртасида мустақкам узоқ муддатли алоқалар юзага келганлигини қайд этишди. Чунончи, ташкилотларимиз ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги биринчи шартнома 2004 йилда тузилган, 2018 йил 16 ноябрда эса ижтимоий ва илмий ишлар, ходимларнинг иш тажрибаси билан алмашиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган янада кенгайтирилган Меморандум имзоланди.

Мазкур йиғилишнинг кун тартиби Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртларида масофавий таълимни жорий этиш, тажриба алмашиш ва мамлакатларимизда online-таълимни ривожлантириш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланган.

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан ўтказилган кўп сонли жамоатчилик фикри сўровларининг натижалари шунини кўрсатиб турибдики, сўнгги йилларда мамлакат аҳолисининг умуман таълимга бўлган муносабатида жиддий ўзгаришлар юз берди. Таълим харажатларига нафақат жоиз бўлган, балки устувор харажатлар сифатида қаралади.

Қонун ҳужжатларининг изчил қабул қилиниши, уларда белгиланган вазифалар ижроси устидан назоратнинг кучайтирилиши, ушбу соҳада амалга оширилаётган ўзгаришлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятининг аҳолига ҳар томонлама ва тезкор етказилаётганлиги ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий таълимнинг ислоҳ қилинишига яққол мисол бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилиш, илғор таълим технологиялари асосида

замонавий билимларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини янги даражага кўтариш бўйича истиқболли меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Йўриқнома ҳужжатларида, тажриба тартибида, мамлакатимизнинг иккита университетида масофавий таълимнинг босқичма-босқич жорий этилиши кўриб чиқилган эди, лекин коронавирус инфекциясининг пандемияси ва унинг янада тарқалиб кетмаслиги учун карантиннинг жорий этилиши мактаб ва олий таълимнинг онлайн ўқиш билан умумий қамраб олиш жараёнини тезлаштирди.

Ҳозирги вақтда интернетнинг оммавий соҳаси ижтимоий ҳаётнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда. Шахслараро ўзаро алоқаларнинг (блогларда, форумларда, ижтимоий тармоқларда) оммавий соҳага чиқиши интернет коммуникацияларнинг ўзига хослигидир. Амалда ижтимоий тармоқлар янги медиа хусусиятларига эга бўлмоқда. Шунинг учун мазкур босқичда анъанавий ва инновацион оммавий ахборот воситаларининг аҳоли онгига ва Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашувига таъсирини пухта ўйлаб баҳолаш, бир вақтнинг ўзида оммавий ва шахсий соҳалар сифатида интернетнинг моҳиятини тушуниш зарур.

Конференция иштирокчиларининг эътиборига қуйидаги мавзулар бўйича маърузалар ҳавола этилди:

- «Online-таълим контекстида талабаларнинг руҳий хотиржамлиги» Карамян М.Х. - псих.ф.д, «Ижтимоий фикр» РЖФЎМ таҳлилчиси;

- «Масофавий таълим: муаммоли соҳа» Фирсов А. - «Платформа» ижтимоий лойиҳалаштириш маркази асосчиси, РАСО социология кўмитаси;

- «Онлайн-таълимдан оммавий фойдаланиш йўлидаги тўсиқлар ва рағбатлантирувчи омиллар» Ермоленко Ю. - IFORS ривожлантириш директори;

- «“COVID-19” карантини даврида олий таълим муассасаларида масофавий таълим (Ўзбекистон тажрибаси)» Садиков Т.О.- «Ижтимоий фикр» РЖФЎМ «ОАВ ва фуқаролар мурожаатлари мониторинги» бўлими катта илмий ходими;

«Карантинда ўқиш: россиялик талабалар масофавий таълим ҳақида» Чернова Ж. - доцент, социология фанлари номзоди, НИУ-ВШЭ СПб, Шпаковская Л. - доцент, социология фанлари номзоди, НИУ-ВШЭ СПб.

Конференция жараёнида қизиқарли мунозаралар ва чиқишлар кузатилди. Унинг ишида социология соҳасида фаолият юритаётган олимлар, мутахассислар, ўқитувчилар, талабалар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.